



“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фаргона вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Р.Холиқназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 Октябр кунги 495 сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Бешарик тумани Кулолобод МФЙ Байрам, Байналминал, Ғаллакор, Конзор, Кулол кўчалари ҳудудида яшовчи 2 394 нафар аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қуйидаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

Ичимлик сув бўйича

Бешарик тумани Кулолобод МФЙ аҳолисини бир кунлик сув сарфи 240 м^3 ҳисобланиб, **уланиш нуқтаси.1** Кулолобод МФЙ Байрам, Байналминал, Ғаллакор, Конзор, Кулол кўчалари ҳудудига 5.0 км. Д-76 мм.ли полиэтилен қувурда ичимлик суви тармоғи тортиш, 3 дона замонавий электр тежамкор сув насоси ўрнатиш, лойиха қувватидан келиб чиқиб 3 дона ичимлик сув минораси, автоматик ўчириб ёқиш ускунаси (поплавок) ўрнатиш ва UZSUVTAMINOT логотипи тушуриш, 3 дона шит каскад ўрнатиш.

Уланиш нуқтаси.2 Кулолобод МФЙ Байрам, Байналминал, Ғаллакор, Конзор, Кулол кўчалари ҳудудидаги мавжуд калодец дан (қувур материали-позетилеиен,чугун,темир,азбец) бўлган диаметри $\varnothing(76-300)$ атмосфера босими 0.4 АТМ қувурдан лойиха ва гидравлик ҳисоб китобларига асосан узунлиги 5.0 км бўлган ичимлик сув қузури тортиш замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНҚ, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган ҳолда лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошланғунига қадар Вилоят “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиха-смета ҳужжатлари “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета ҳужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета ҳужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

“Фаргона сув таъминоти” МЧЖ Бешарик
Туман бўлими раҳбари:

“Фаргона сув таъминоти” МЧЖ Бешарик
Туман бўлими бош муҳандиси в.в.б:



У.Тошқўзиев

А.Жалилов